

«РАВЗАТ УШ-ШУҲАДО» АСАРИДА РЕМИНИСЦЕНЦИЯ

Саидмурод Холбеков

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

“Ўқитувчиси

s_xolbekov79@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адабиётшуносликдаги реминисценция ҳодисасининг ўзбек классик адабиётида, хусусан, Собир Сайқалининг “Равзат уш-шуҳадо” асарида қўлланилиши мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: адабий тушунча, категория, технология, интеграция, реминисценция, хотирлаш.

REMINISTRATION IN THE WORK "RAVZAT USH-SHUHADO"

ABSTRACT

This article analyzes the use of the phenomenon of remission in literary criticism in Uzbek classical literature, in particular, in the work of Sabir Sayqali "Ravzat ush-shuhado".

Keywords: literary concept, category, technology, integration, remission, memory.

КИРИШ

Адабий тушунча, категория ва ҳодисаларни жаҳон адабиётшунослиги фонида текшириб кўрилганида ҳам унинг бизга қай даражада тадқиқ қилинаётганини кузатиш мумкин. ана шундай ҳодисалардан бири реминисценция ҳодисасидир.

И.И.Мурзак реминисценция тўғрисида қуйидагича кузатишлар олиб борган:

“Бадий ижоднинг ички қонуниятларини ўрганишда адибнинг аввалги адабий анъана билан алоқаси муаммоси алоҳида ўрин тутади. Бадий образнинг янги семантик товушларини яратишнинг энг самарали усулларида бири бу реминисценциядир.

Реминисценция (лотинча *reminiscentia* – акс-садо, ноаниқ эслаш) адабиёт, ёзувчи ва ўқувчининг хотираси ва ассотсиатив фикрлашга қаратилган. Кўпинча

муаллифнинг қасддан бировнинг образини ёки сўзини қарзга олишни белгилаш ва онгсиз равишда реминисценция ўртасидаги чегарани ўрнатиш қийин. Анъанага мурожаат қилмасдан у ёки бу тарзда янги матн яратиш мумкин эмас. Ёзувчи ўзлаштирган хорижий бадиий тажриба унинг ижодига турлича таъсир қилади. Ҳар бир асарнинг ўзига хос адабий ва тарихий маълумотлари мавжуд. Ёзувчининг маълум анъаналарга йўналтирилганлиги расмий эмас, балки мазмун-функционалдир. Фақатгина бу ҳолатда ёзувчининг ўқиш тажрибаси ижодий самарали бўлади. И. Бернштейн ёзганидек: “Асрий образларнинг бадиий мужассамлашуви трамплиндан иборат бўлиб, унда адабиётда ҳам анъанавий, ҳам янгилик пайдо бўлади”. [1, 76-77]

И.И. Мурзакка кўра, реминисценциялар типологиясини ва асосий турларининг хусусиятларини қуйидагиларга бўлинади: “Сўзма-сўз келтириш, кичик модификациялар билан манбани кўпайтириш, интертекстуал иқтибос, манбанинг семантик ва стилистик жиҳатдан муҳим элементларини алмаштириш (бу қасддан таҳрирлашдир), жузъий ўтказиш, эркин тартибга солиш, қайта ҳикоя қилиш, таржима, архетип тасвирининг кўрсаткичи, асл кузатув, Инжилдан иқтибос, китоб ҳикоявий вазиятни қайта қуриш сифатида, ассоциатив иқтибослар, сюжетли реминисценция, асл матн ва таржимани бирлаштириш, синкретик маданий реминисценция, пластик ва расмли дурдоналар, фалсафий трактатлар, илмий назариялар, нуфузли ҳукмлар, мақол ва маталлар, афоризмларни келтириш, белгиларнинг типологик яқинлиги”. [1, 77–83]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Адабиётшунослик, хусусан, бадиият масалалари бўйича тадқиқот ишлари, асар ўқиш жараёнидаги бевосита кузатишлар олиб борганлар. Бунда фалсафа фанидан эндигина ажралиб чиққан даврлардан Аристотелдан тортиб ҳозирги кунда поэтик мушоҳада юритаётган бошловчи тадқиқотчигача шулар жумласига қўшиш мумкин. Бу борада хорижий олимлар: Рене Уэллек, Остин Уоррен, Александр Квятковский, Геннадий Поспелов, ўзбекистонлик олимлар: Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Ҳамид Сулаймонов, Фулом Каримов, Иззат Султон, Натан Маллаев, Азиз Қаюмов, Матёқуб Қўшжонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Баҳодир Каримов, Узоқ Жўрақулов, Дилмурод Қурононов каби олимларнинг илмий текширишларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бироқ, бадиий тасвир ва ифода воситаларидан бўлган реминисценция алоҳида тадқиқ қилиш ва унинг бадиий матндаги ўрни ва аҳамияти, умуман, ушбу ҳодисаларнинг ўзбек адабиётшунослигидаги ўрнини

белгилаб берувчи кузатувлар етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқотимиз мавзусини белгилаб беради.

Тадқиқот ишида таҳлилий-статистик, қиёсий-ретроспектив, тавсиф ва таҳқиқ каби методлардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Реминисценцияга “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да шундай таъриф берилади: “Реминисценция (лот. *reminiscentia* – эслаш) (психологияда) – эс-эс хотирлаш; инсон илгари ҳаётда учратиб ўрганган нарса ва ҳодисаларни, фикрлар, сўзлар, воқеаларни тусмоллаб эслаши. Бунда эслашнинг тўлиқлиги, аниқлиги хотиранинг индивидуал хусусиятларига, материални эсда олиб қолинган ёки ёдланган пайтдан кейин ўтган вақтга, материалнинг мазмунига, инсоннинг психик ҳолати ва ёшига, шунингдек, бошқа омилларга боғлиқ бўлади”. [2, 154]

“Адабиётшунослик луғати”да қуйидагича таърифни ўқиймиз: “Реминисценция (лот. *reminiscentia* – хотирлаш, эслаш) – адабий ҳодисаларнинг диалогик муносабатда бўлиши натижаси ўлароқ юзага келувчи ҳодиса, адабий асардаги илгари мавжуд бўлган асарларни ёдга солувчи нуқталар. Бундай реминисценциялар анланган ё анланмаган (асарда ижодкор хотирасида муҳрланиб қолган ўзга асардаги нуқталарнинг ғайриихтиёрий тарзда акс этиши) равишда воқе бўлади; улар очик-ошкора эмас, шу боис илғаб олиними ҳам бирмунча қийин ва шу жиҳати билан ўзлаштириш ва тақлиддан фарқланади”. [3, 248]

А.Квятковскийнинг “Бадиият луғати”да реминисценцияга қуйидагича таъриф берилади: “Реминисценция, бу – бошқа бир бадиий асардан таниш бўлган фразал ёки образли конструкцияни шоир томонидан қасддан ёки билмасдан такрорланиши. Баъзан эслаш ритмик-синтактик ҳаракатларни нусхалаш орқали ифода этилади. Асл ва эслатувчи ибораларни ёнма-ён қўйиш баъзи шоирларнинг бошқаларга таъсирини қизиқарли тасвирлайди” [4, 238].

Квятковский реминисценция шундай таъриф беради ва ўз даврининг таниқли ижодкорларининг шеърлари ва ўша шеърни эслатувчи, таъсир самараси бўлган шеърларни мисол келтиради. Шунингдек, автореминисценция (ўз-ўзидан таъсирланган, ўз асарида учрайдиган реминисценция) ҳодисасини ҳам мисоллар билан беради.

Собир Сайқалийнинг “Равзат уш-шуҳадо” асарининг реминисцентив таҳлили ва унинг ўзига хос жиҳатлари қандай бўлади?

Аввало, асарнинг номланиши шу ҳодисанинг бадий функционалигидир, яъни унда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг невараларининг мудҳиш қотиллик оқибатида шаҳид бўлишлари (“Шаҳидлар боғи” деб номланиши шундан) шундай хулосага келишимизга сабаб бўлади. Пайғамбаримиз неваралари Имом Ҳасаннинг захарланиб ўлдирилиши ва Имом Ҳусайннинг Ироқдаги Карбало даштида аҳли оиласи ва бутун тарафдорлари билан биргаликда жами 72 кишининг шаҳид этилиши ислом тарихида даҳшатли фожеа бўлган. Бу мудҳиш воқеа бир қатор ўзбек ёзувчилари томонидан қаламга олинган. [5, 3]

Карбало фожеасига бағишланган Собир Сайқалий асари вужудга келишида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1505) “Равзат уш-шуҳадо” номли форсий асарининг ўрни шубҳасиз катта ўрин тутди. Кошифий асарида Одам (а.с.)дан Муҳаммад (с.а.в.)гача ўтган пайғамбарлар қиссалари, халифалар, Ҳазрати Али, Фотима ва Имом Ҳасан ҳамда Имом Ҳусайнларнинг қонли кечмиши ҳикоя қилинади.

Карбало шаҳрида туғилган улуғ озар шоири Муҳаммад Фузулий (1498–1556) биринчилардан бўлиб туркий тилда бу мавзуни кенг ёритди. Кошифий анъаналарини давом эттирган Фузулий ўз асарини “Ҳадиқат ус-суадо” (“Бахтлилар боғи”) деб номлаб, Кошифий “Равзат уш-шуҳадо”си каби ўн бир қисмдан иборат қилиб, ўзига хос услубда асар тартиб берган. [5, 4].

Кейинг ўринларда “Равзат уш-шуҳадо” асарида хотирлашнинг, яъни реминисценциянинг ғаройиб усулларида фойдаланилган. Масалан, асар номлари эсланади: “Канз ул-ғаройиб”, “Равзат ул-ахбор”, “Шавоҳид”.

Воқеа асар номи билан эмас, тарихий шахс/персонаж/муаллиф номи эсланади: Охунди Мулло Муъийн, Али Мусо Ризо.

Сайқалий гоҳида асар номини ҳам, муаллифини ҳам зикр қилиб ўтади:

*Басе ул Охунди Мулло Муъин дер,
“Сийар” ичра далиллар бирла ул эр.*

Сайқалий “Равзат уш-шуҳадо” асарида реминисцентив ҳикоя услуби асосида иш олиб боради ва, масалан, бир пайғамбар қиссаси ҳикоя қилиниб, унинг ривояти фонида Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг ғамгин қиссаларини бериб кетади.

“Равзат уш-шуҳадо”да шундай эсланади:

*Таниб нафсинг, ҳаводин тонмайин то,
Қасам биллоҳ, танимасанг Ҳақни асло.*

Бу ўринда шоир “Ман арафа нафсаҳу фақад арафа раббах”, яъни “Кимки ўз нафсини таниса, бас, Раббини танийди” ҳадисига ишора қилинмоқда.

Яна бир ўринда:

*Кулоҳинг узра қоим тожи “лавлок”,
Буроқинг Жабраил, фаршингдур афлок.*

Бу ерда Аллоҳу таоло ҳадиси қудсийда Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида “Лавлока лавлок, ламо халақтул-афлок” (Сен бўлмаганингда, сен бўлмаганингда коинотни яратмасдим) деб марҳамат қилгани эсланади.

МУҲОКАМА

Адабий ҳодисалар шунчаки юзага келмаган. Уларнинг ҳар бири маълум воқеалар билан боғлиқ бўлган. Реминисценция ҳам ана шундай ҳодисалардан бири сифатида пайдо бўлган. Инсон вақт ўтган сари хотиралар билан яшайди. Хотирлаш сингари ҳодисалар бадий асарлар таркиби ҳам келади ва маълум воқеаларни эслаш баробарида айтилмоқчи бўлган, ёки тасвирланаётган сюжет линиясини маълум ҳолатда ушлаб туриш учун қўлланади. Бу эса воқеаларнинг жонли чиқишида, ўқувчини қизиқарли воқеалар фонидида ушлаб туришда ёрдам беради. Демак, ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларни хотирлаш адабиётшуносликда реминисценция сифатида баҳоланар экан.

ХУЛОСА

Ўқувчи асарни ўқиш жараёнида, тадқиқотчи асар устида ишлаганида, талаба уни ўқиганда турли кўринишдаги реминисцентив ҳолатларга дуч келади, уни реминисценция эканлигига кўп-да эътибор беравермаслиги ҳам мумкин, лекин Собир Сайқалийнинг мазкур “Равзат уш-шуҳадо” асари реминисцентив ўринларнинг бир қанча турлари бўлиб, асарни ўқиётган пациент шу адабий ҳодисанинг бир неча турли кўринишлари мавжудлигини сезиб олади. Чунончи:

1. Аввало, унинг номланиши (“Равзат уш-шуҳадо”/“Шаҳидлар боғи”) буюк бир эслатма эканлигини англаб етади.

2. Асарнинг вужудга келишида катта туртки бўлган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Равзат уш-шуҳадо” асарининг бевосита номини тўғридан-тўғри олган, лекин эпик кўламда эмас, лиро-эпик шаклда бутунлай бошқа оҳангда қайта ҳикоя қилиниши реминисценция ҳодисанинг алоҳида кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

3. Кейин ҳикоя ичида ҳикоя усулидаги реминисцентив ҳолатларнинг бериб борилиши. Яъни ҳар бир пайғамбар ҳақида ҳикоя фонидида фожиали ўлим

топган пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг неваралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнлар қиссаларини эслатиб ўтиши;

4. Собир Сайқалий “Равзат уш-шуҳадо”да бошқа бир асарни (асарнинг номи, тарихий шахсни/персонажни/асар муаллифини) эслатиб ўтиш билан реминисценция ҳодисасининг бир кўринишини намоён қилган.

5. Асарда бевосита Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан аслиятидан ё маъносини эслатувчи мисраларнинг учраши унинг реминисцентив услубий жиҳатини эътиборга олишимиз учун асос бўлади.

REFERENCES

1. Мурзак И.И. Реминисценция // Введение в литературоведение. (Под общ. ред. Л.М.Крупчанова). – М.: Оникс, 2007.
2. Реминисценция. // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. – Б. 154. www.ziyouz.com
3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010.
4. Квятковский А. Поэтический словарь (научн. ред.: И. Роднянская). – М.: Изд-во “Советская энциклопедия”, 1966.
5. С. Сайфуллох, Д.Хунзикер. Карбало фожеаси ва бадий ижод (сўзбоши) // Собир Сайқалий Ҳисорий. Равзат уш-шуҳадо. – Т.: Мовароуннаҳр. 2004.